

“Йил аёли” миллий танловининг туман босқичи ўтказилди



Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, оиласа ва фарзанд тарбиясида ибрат бўлиш билан бирга ўзи фаолият кўрсатаётган ташкилот нуфузини оширишда фаол иштирок этаётган турли соҳа эгалари бўлган аёлларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ҳар йили «Йил аёли» миллий танловини ташкил этиш ва ўтказиш белгиланган.

Бугун туман Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан туман Болалар мусиқа ва санъат мактабида миллий танловининг туман босқичи ўтказилди.

Иштирокчилар З та шарт бўйича ўзаро куч синашишди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан Низом талаблариiga асосан ҳар бир иштирокчининг чиқишлиари баҳолаб борилди ва якунда номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Ғолибларга танлов ташкилотчиларининг эсдалик совғалари, диплом ва миллий танловининг вилоят босқичида иштирок этиш йўлланмалари туман ҳокимининг ўринбосари Маърифат Расурова томонидан тантанали топширди.